



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «15» сентября

45-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 27 августдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисида”ги 208-14-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича мажмуасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-1190-сонли мурожаатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига кўшган ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона ва самарали меҳнати ҳамда Мустақиллик байрамининг 30 йиллик шодиёнаси муносабати билан 2020 йил 28 август куни Тошкент шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган 420 нафар фаоллар учун тайёрланган Фахрий ёрлик бланкалари, рамкалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими номидан юқори турувчи ташкилотларга юборилган табрикнома тайёрлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ишлар бошқармасига 37 894 минг (ўттиз етти миллион саккиз юз тўқсон тўрт минг) сўм миқдоридagi маблағ Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритилсин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (С.Таиров):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.